

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

Касб талими(Информатика ва АТ)кафедраси

**Web дастурлаш фанининг «Web саҳифаларни яратиш ва таҳрирлаш
дастурлари» мавзуси бўйича электрон тренажер маҳсулот яратиш**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Илмий раҳбар _____доц. О.Жакбаров

2017 й. « ____ » _____

Наманган – 2017

Web дастурлаш фанининг «Web саҳифаларни яратиш ва таҳрирлаш дастурлари» мавзуси бўйича электрон тренажер маҳсулот яратиш

Мундарижа

Кириш	3
1-боб. Электрон тренажер маҳсулотлар ва уларнинг таҳлили	8
1.1. Ўқув жараёнларида тренажерлардан фойдаланиш бўйича мавжуд манбалар таҳлили	8
1.2. Ўқув жараёнларида тренажерлардан фойдаланиш самарадорлиги ва ўқув жараёнини ташкил этишдаги ўрни.....	10
1.3. Масаланинг ўрганилганлик даражаси ва унинг қўйилиши.....	12
2-боб. Электрон тренажер маҳсулотлар яратиш дастурлари ва уларни ўрнатиш талаблари	14
2.1. Тренажер маҳсулотлар яратиш дастурий воситалари имконияти ва уларнинг мавзуга мос турини танлаш.....	14
2.2. Web дастурлаш фани бўйича меъёрий хужжатлар ва уларни асосларини шакллантириш.....	25
2.3. Web саҳифаларни яратиш ва таҳрирлаш дастурлари бўйича манбаларни шакллантириш	29
3-боб. iSpring дастурида Web дастурлаш фанидан мультимедиа воситали тренажер маҳсулот ишлаб чиқиш	40
3.1. Тренажер маҳсулот яратишда iSpring дастурий комплекси	40
3.2. Web дастурлаш фанидан “Web саҳифаларни яратиш ва таҳрирлаш дастурлари” мавзусида тренажер маҳсулот ишлаб чиқиш технологияси....	46
3.3. Ўқув машғулотларида дастурий маҳсулотдан фойдаланиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.....	48
4-боб. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	50
4.1. Тренажер маҳсулот ишлаб чиқиш вақтида компьютерда ишлаш қоидалари	50
4.2. Тажриба машғулотларини ташкил этишда техника хавфсизлиги ва электр токини инсон организмига таъсири	50
Хулоса	55
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	57
Илова	59

Кириш

Глобаллашув жараёнида таълимни ташкил этишда тезкорлик ва сифат кўрсаткичларига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ахборот оқими тобора шиддатли тус олаётган айти вазиятда бакалавр таълим йўналиши талабаларига зарур билимлар билан қуроллантира олишга эришиш ҳар бир педагогнинг касбий компетентлигини белгиловчи асосий мезонлардан бири саналади. Ўқув жараёнининг дидактик имкониятлари “педагог-талаба” ёки “талаба-педагог” тамойили асосида талабалар томонидан ўқув материалларининг назарий ҳамда амалий жиҳатдан самарали ўзлаштириш имконини беради.

Бугун компьютер технологиялари дунёда жадаллик билан ривожланаётган соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Компьютерлар аста-секин инсонлар ҳаётига кириб бормоқда. Яъни, фаол иш юритувчини интернет глобал тармоғисиз, интеллектуал ишчини эса иш жойида компьютерсиз тасаввур қилиш қийин. Компьютер технологиялари инсон ҳаёт тарзида, кичик ва катта корхоналарда, компанияларда, ўқув даргоҳларида, давлат муассасаларида беҳад аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги вақтда ҳар бир ташкилот қайси соҳада иш олиб бормасин, дунё бозорига чиқиш учун ўз фаолиятида интернетдан фойдаланиш зарурлигига катта эътибор қаратмоқда.

Интернетда ахборотни жойлаштириш учун унинг экрандаги кўриниши қулай бўлишига, яъни Web-саҳифасига эътибор бериш зарур, чунки саҳифадаги фойдаланувчи ахборот ҳар томонлама бўлиши мумкин ва у Web-сайтга жойлаштирилади. Ақл билан яратилган сайт, қоида бўйича, информацион ягона бус-бутун бўлиши ва жойлаштирилган ахборотнинг аҳамиятига қараб, маълум стандартга эга бўлиши керак.

Юқорида келтирилганлардан Web-сайтни яратиш ва уни лойиҳалаш жараёнларини ўрганиб чиқиш муаммоларининг кундалик зарурлиги ва долзарблилиги келиб чиқмоқда. Бу битирув малакавий ишида Web дастурлаш фанининг «Web саҳифаларни яратиш ва таҳрирлаш дастурлари» мавзуси бўйича электрон тренажер маҳсулот яратиш бўйича маълум билим ва тажрибага эга бўлиш учун мўлжалланган.

“Web дастурлаш” фанининг мақсади Web-саҳифа яратиш ва таҳрирлаш бўйича тренажер маҳсулот яратиш мисолида амалий дастурлаштиришнинг назарий асосларини ва тамойилларини, уларнинг функционал ва структуравий ташкил этилишини, махсус дастурлаштириш тилларини

ишлатган ҳолда динамик Web-саҳифлари яратиш усуллари ва услубиятларини тадқиқ қилишдан иборат.

Ҳозирги кунда Республикамизда олиб борилаётган ислохотларнинг туб замирида ёш авлодни тарбиялаш, айниқса уларни энг замонавий техника ва технологиялардан фойдалана олишларини таъминлаш, ҳамда, ёшларни спортга жалб этиш, ҳам маънан, ҳам жисмонан етук ёш авлодни тарбиялаш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Бу соҳага эса шахсан Президентимизнинг ўзлари алоҳида диққат эътибор қаратмоқдалар[1].

Хукумат томонидан ахборотлаштириш жараёнларини фаоллаштириш, замонавий ахборот коммуникатсия технологияларини тез суръатда ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қатор фармонлар, қонунлар ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий Ахборот-коммуникатсия технологияларни янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 21.03.2012й.НПҚ-1730 сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун маъсул бўлган давлат органлари рўйхати ” тўғрисидаги 20.02.2006 й.27-сон қарори.[1-2].

Маълумки, 2017 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги фармойишлари чиқди.

Фармойишда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган тадбирларнинг экспертлик ва жамоатчилик муҳокамасини самарали ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, уларни ҳар томонлама мукамаллаштириш ва амалга ошириш, шунингдек фуқаролик жамияти институтларини, экспертлар ва олимларни мамлакатни демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш жараёнларига фаол жалб этиш бўйича режалар келтириб ўтилади.

Фан соҳасини формал таснифи. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ташкил этишда сифат ҳамда мазму мазмундорлигини ошириш мақсадида дидактик восита, шунингдек электрон методик воситалар сифатида қўлланилувчи электрон ишланмалари ҳамда тренажер дастурий маҳсулотларни яратиш имкониятларини ўрганиш фан ўқитувчиларнинг мутахассислик фанлари бўйича билимларини ошириш

ҳамда уларнинг касбий фаолиятларида ўз устиларида ишлаш имкон беради. Web дастурлаш фани бўйича модул тизими асосидаги машғулотлар учун электрон ишланмаларни ишлаб чиқиш фан ўқитувчиларини дарс машғулоти мазмунини бойитиш ҳамда мавзуда берилиши лозим бўлган билимларнинг тўлиқ қамраб олиниши учун амалий ёрдам берувчи турли хил дидактик воситалардан фойдаланиш талаб этилади. Ушбу мавзуда талабаларга мавзу мазмунини бойитиш учун модулли тизимга асосланган дидактик воситалар ишлаб чиқиш, турли хил мақсадлар учун ишланмалар, намоёишлар ҳамда уларнинг шакллари ўзгартириш ёки янги яратиш бўйича дастурий таъминотнинг имкониятлари ўргатилади. Битирув малакавий ишида келтириб ўтилган Web дастурлаш фанининг «Web саҳифаларни яратиш ва таҳрирлаш дастурлари» мавзуси бўйича электрон тренажер маҳсулот яратиш мавзуси ҳам айнан мана шу йўналишда фойдаланиладиган дидактик маҳсулотларни яратишга мўлжалланган саҳифа яратиш имкониятларини ўрганиш ҳамда улар ёрдамида дарс машғулотлари учун электрон тренажер маҳсулот яратишни назарда тутилади.

Ушбу соҳадаги муаммолар ва мазкур ишнинг зарурати. Тренажёр дастурий маҳсулотлар бўйича жуда кўплаб дастурий воситалар ишлаб чиқилган, лекин йўналиш бўйича янги дастурий инструментлар ҳам яратилмоқдаки, уларни имкониятлари янада кенгроқ ва кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Шундай муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Web дастурлаш фанининг машғулотлари учун тренажер дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш ишнинг асосий ўзаги ҳисобланади. Бу вазифани бажарувчи дастурий воситалар ҳам ўқувчига турли типдаги мультимедиали дидактик воситаларини яратиш учун мўлжалланган дастурий воситалар имкониятларини очиб бериш ҳисобланади. Бу дастурий воситаларни ўрганишнинг асосий сабаби ҳам касб-хунар коллежларининг мазкур мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларни дидактик воситалар билан таъминлаш ҳамда фан ўқитувчиларини ўзлари мустақил дидактик воситаларни ишлаб чиқишлари учун билим савияларини янада ошириш.

Лойиҳанинг мақсади ва вазифалари (самарадорлигини ошириш, сифатини яхшилаш). Келтириб ўтилган битирув малакавий иши мавзуси, яъни Web дастурлаш фанининг «Web саҳифаларни яратиш ва таҳрирлаш дастурлари» мавзуси бўйича электрон тренажер маҳсулот яратиш мазкур мутахассислик бўйича битирувчи талабаларни билим ва савияларини оширишда мустақил таълим сифатида ҳамда дарс машғулотларини бажариш жараёнида қўллаш орқали мақсадга эришиш назарда тутилади.

Масаланинг ноформал тавсифи (мазкур ишнинг мақсади). Битирув малакавий ишида ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда тажриба ва амалий

дарс машғулотларида ахборот коммуникация технологиялари қўллаш, яъни мультимедиали ўқитиш тизимини қўллаб дастурий воситалар имкониятларини тренажер асосида ташкил этиш ҳамда ўқув жараёнида мавзуга қўллаш орқали етарли самарага эришиш асосий мақсад ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Web дастурлаш фанининг «Web саҳифаларни яратиш ва таҳрирлаш дастурлари» мавзуси бўйича электрон тренажер маҳсулот яратиш мавзуси бўйича тайёрланган битирув малакавий иши асосан қуйидаги қисмлардан ташкил топган. Булар, кириш, асосий қисм, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар бўлимларидан иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида Web-сайтни яратиш ва уни лойиҳалаш жараёнларини ўрганиб чиқиш муаммоларининг кундалик зарурлиги ва долзарблилиги, Хукумат томонидан ахборотлаштириш жараёнларини фаоллаштириш, замонавий ахборот коммуникация технологияларини тез суръатда ривожлантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар ҳақида таҳлил, дидактик воситаларнинг турлари ва уларни манбаларини таҳлил қилиш, мавзунинг долзарблиги ҳамда битирув малакавий ишининг тузилиши бўйича зарурий маълумотлар келтириб ўтилади.

Асосий қисм эса, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, 1-бобда битирув малакавий ишини бажариш мақсади, масаланинг долзарблиги, шунингдек, ўқув жараёнларида тренажерлардан фойдаланиш бўйича мавжуд манбалар таҳлили, ўқув жараёнларида тренажерлардан фойдаланиш самарадорлиги ва ўқув жараёнини ташкил этишдаги ўрни таҳлили келтириб ўтилади.

2-бобда электрон тренажер маҳсулотлар яратиш дастурлари ва уларни ўрнатиш талабларини шакллантириш амалга оширилиб, уларни имкониятлари ва талаблар келтириб ўтилади. Хусусан, тренажер маҳсулотлар яратиш дастурий воситалари имконияти ва унинг интерфейси, Web дастурлаш фани бўйича меъёрий хужжатлар ва уларни асосларини шакллантириш ҳамда iSpring дастурий комплексида тренажер маҳсулот яратиш кетма кетлиги ҳам ушбу бобда келтириб ўтилади.

Битирув малакавий ишининг 3-бобида iSpring дастурида Web дастурлаш фанидан мультимедиа воситали тренажер маҳсулот ишлаб чиқиш амалга оширилади. Хусусан, Web дастурлаш фанидан “Web саҳифаларни яратиш ва таҳрирлаш дастурлари” мавзусида тренажер маҳсулот ишлаб чиқиш, iSpring ва CamStudio дастурида Web дастурлаш фанидан тренажер маҳсулот яратиш технологиясини ишлаб чиқиш, ўқув машғулотларида яратилган тренажер маҳсулотдан фойдаланиш бўйича йўриқнома ишлаб

чиқиш амалга оширилади. Шунингдек, ўқув машғулотларида дастурий маҳсулотдан фойдаланиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш ишлаб чиқилади.

Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги бўлимида эса, тренажер маҳсулот ишлаб чиқиш вақтида компьютерда ишлаш қоидалари ҳамда тажриба машғулотларини ташкил этишда компьютер хонаси ва унга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилади.

Хулоса ва фойдаланилган адабиётлар бўлимида эса, битирув малакавий ишини бажариш бўйича умумий хулосалар, таклифлар ва ишни бажариш жараёнида фойдаланилган адабиётлар ҳамда тавсия этиладиган қўшимча адабиётлар келтириб ўтилади. Ушбу тадқиқот ишининг изоҳ бўлимида яратилган видеодарс ишланманинг дастур матни ҳамда экран кўринишлари келтириб ўтилади. Шунингдек, шу мавзуга тегишли бўлган интернет маълумотлари ҳам келтириб ўтилади.

1-bob. Электрон тренажер махсулотлар ва уларнинг таҳлили

1.1. Ўқув жараёнларида тренажерлардан фойдаланиш бўйича мавжуд манбалар таҳлили

1991 йилнинг 1 сентябр Республикамиз ҳаётида алоҳида мазмунга эга кун саналади. Бу санада у бутун дунёга бундан буёғига ўзининг мустақил давлат эканлигини эълон қилди. Янги давлат ҳукумати ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ Республикада халқ таълими тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор бера бошлади. Айниқса, 1997 йилнинг 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида Қонун»¹ да, «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури»² да ва улар юзасидан Республика Президенти И. А. Каримов томонидан қилинган «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқида Республикамизда халқ таълими тизимини тубдан қайта ислоҳ қилиш йўллари аниқ белгилаб берилди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да Республикамизда таълим тизимига «илғор ахборот ва педагогик технологиялар» ни [4, 52-бб.] кенг миқёсда жорий этиш лозимлиги уқтирилди.

Тренажер дастур яратиш жараёни бир вақтнинг ўзида яратилаётган дастур мазмунини ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги билимларни билишни талаб қилади. Бу амалиётда икки йўналишдаги мутахассисларнинг «фан бўйича маърузачи» ва « дастурчи-мутахассис» ларнинг ўзаро ҳамкорлиги кўзда тутилади. Маълумки, электрон ўқув адабиётлари қуйидагидек шаклларда бўлади:

1. Ўқув ва илмий материаллар фақат **вербал** (матн) шаклда ифодаланилади.
2. Ўқув материали вербал (матн) ва икки ўлчамли **график** шаклда ифодаланилади.
3. Ўқув материали **мультимедиа** (мультимедиа – кўп ахборотли), яъни уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимасия ва қисман вербал (матн) шаклда ифодаланилади.
4. Ўзлаштириладиган ўқув материали **тактил** (ҳис қилинувчи,

¹ Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.(Ўзбекистон Республикасининг «Таълим Тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлар).—Т.: «Шарқ», 1998.—64 б.

² Ўзбекистон Республикасининг қонуни: **Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури.** – Т., 1997 й., 29 август.

сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини «экран оламида» стерео нусхаси тасвирланган реал оламга кириши ва ундаги объектларни нисбатан харакатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланилади.

энди электрон ўқув адабиётининг ана шу – **вербал, график, мултимедиа, тактил** каби 4 та тури билан мужассамлашган ўргатувчи дастурий таъминот яратишни асосий мақсад сифатида оламиз. Х. Гарднернинг **лингвистик, мусиқавий, мантиқий-матема-тик, фазовий, тана-кинестетик, шахслараро муносабатга оид, ботиний** каби 7 та интеллект тури ўртасида мувофиқлик ўрнатишга уриниб кўрайлик.

Масалага кишидаги қобилият турларидан келиб чиққан ҳолда ёндошадиган бўлсак, улар ўртасида қуйидагидек мувофиқлик мавжуд. Яъни:

– лингвистик, мантиқий-математик ва ботиний интеллект эгалари вербал ва график шакллардаги электрон ўқув адабиётидан;

– мусиқавий ва шахслараро муносабатга оид интеллект эгалари мултимедиа шаклидаги электрон ўқув адабиётидан;

– фазовий ва тана-кинестетик интеллект эгалари тактил шаклдаги электрон ўқув адабиётидан ўзлаштиришда яхши кўрсаткичларга эришадилар.

Кейинги йиллар янгича педагогик технологияларни лойихалашда тафаккурнинг мантиқий образли шаклларга, бошқача айтганда, бош миянинг чап ва ўнг ярим шарларига хос тафаккурларнинг ҳар хил эканлиги таълимотига катта эътибор ажратилмоқда.

Маълумки, электрон манбаларни яратишда бир нечта тушунчалар мавжуд бўлиб, уларни мазмуни билан чуқурроқ танишиб олайлик.

Ўқув қўлланма – бу қонуний мақулланган қўлланмани қисман ёки тўлиқ ўрнини эгалловчи қўшимча нашр.

Электрон ўқув қўлланма – бу қонуний мақулланган қўлланмани қисман ёки тўлиқ ўрнини эгалловчи қўшимча электрон нашр.

Масофали таълим – таълимнинг жараёнининг махсус ахборотлаштирилган, марказлаштирилган маълумот алмашинувчи йўллар орқали аҳолига давлат ва дунё миқёсида кенг кўламда етказиб бериш хизматлари комплексиدير. Информацион-таълим тизими ўзида фойдаланувчиларни маълумотлар узатиши, информасион ахборот манбаларидан, протоколларнинг ўзаро алоқасидан, аппарат-дастурий ва махсус методик қўлланмалардан, йўналтирилган таълим тизимидан фойдаланиш имкониятларини беради. Масофали таълим тизими инсоннинг

хар қандай вақтда билим ва маълумот олиши имкониятини яратувчи доимий шаклига эга.

Ўргатувчи дастур эса, назарий билимларни янада мустаҳкамлаш ва ўқувчини амалий тажрибаларини мустаҳкамлаш ҳамда янги билимларни ўзлаштириш имконини берувчи ўқитувчисиз ўқитиш технологияси ҳисобланади.

Ўргатувчи дастурий таъминотларни яратиш яъни тажриба олиб бориш учун мўлжалланган тренажер дастурий маҳсулотлар жуда кўплаб яратилган бўлиб, уларнинг аскарияти инглиз ва рус тилларида мавжуд. Касб ҳунар коллежларининг кичик мутахассисларини етиштиришда айнан дастурлаш билан боғлиқ дастурий таъминотлар бўйича етарли манбаларнинг етишмаслиги, қолаверса ўзбек тилидаги тренажер маҳсулотларни ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Аввалги битирувчи собиқ талабалар томонидан ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотларни, интернет тармоғидаги мавжуд манбаларни таҳлил қилинганида битирув малакавий иши бўйича ҳали тренажер маҳсулот ишлаб чиқилмаганлиги аниқланди.

1.2. Ўқув жараёнларида тренажерлардан фойдаланиш самарадорлиги ва ўқув жараёнини ташкил этишдаги ўрни

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2016 йил 15 январ кунги мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги ма’рузасида “... Шунини та’кидлаш лозимки, бугунги кунда жаҳон миқёсида яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 5,5 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келмоқда. Нуфузли халқаро экспертларнинг фикрига кўра, 2020 йилда бу кўрсаткич 9 фоиздан ошади” – дея келтириб ўтган фикрларини ўзи ҳам кўрсатиб турибдики, биз битирувчилар олдига бугунги кун талабига тўла жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашдек жуда катта масъулият юкланаётганлигидан далолат беради.

Республикамизнинг таълим жараёнига виртуал тажриба стендлари шахдам кадамлар билан кириб келмоқда ва бугунги кунда уни йўлга қўйиш учун ижобий ишларни амалга оширилмоқда.

Виртуал тажриба стендлари бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг турли таълим йўналишларида, шунинг бизнинг республикамизда ҳам секин аста амалда қўллашга эришилмоқда. Маълумки, виртуал тажриба стендлари асосида ўқитиш катор ташкилий, иқтисодий

афзалликларга эга. Виртуал тажриба стендлари асосида ўқитиш учун ўқитувчининг тўлиқ иштироки шарт эмас. Бу усулда молиявий ҳаражатлар асосан ўқув-услубий материалларини тайёрлаш, махсус виртуал жиҳозлар ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш учун сарфланади.

Республикамизни иқтисодий жиҳатдан қудратли, мустақил давлатга айлантириш, бозор иқтисодиёти тизимини барпо этиш вазифасини адо этиш билан бир даврда амалга оширилмоқда, яъни бу икки, бир-бирига узвий боғлиқ устувор вазифаларни бир тарихий даврда удалашдек муҳим муаммони ҳал қилишнинг тарихий даври бошланмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш-эски иқтисодий тафаккурдан воз кечиш, янги иқтисодий аҳволни яхшилаш, иқтисодиётга янги сифат бериш, барқарор ўсиш суръатларини бахш этиш демакдир.

Бугунги бозор иқтисодиёти даврининг ўта долзарб масалаларидан бири Ўзбекистоннинг ички ва ташқи бозорида рақобатбардош бўлган дастур таъминотларини яратиш масаласидир.

Энди яратилган дастур таъминотларини амалга қўллаш натижасида эришиладиган ёки кутиладиган иқтисодий самаралар бўйича фикр юритсак. Бу фикрни юқоридаги дастур турларидан бири, виртуал тажриба стендларининг дастурлари иқтисодий самараси бўйича келтирсак.

Умумривожланишнинг етакчи жабҳаларидан бири бўлиб қолувчи виртуал тажриба стендларини амалда қўлланилишида ва оммавийлашишида интернетнинг ўрни, барча инсониятни интернетга баравар, очик ташриф эта олиши учун ажойиб йўлак WWW (WEB) технологиясини яратган олим Гим Бернерс-Ли нинг хизмати беқиёсдир.

Маълумки, турли фанлар бўйича тайёрланган электрон дарсликлар, ўргатувчи-ўқитувчи дастурлар, виртуал тажриба стендлари, дарсларнинг компьютер моделлари ва ҳ.з.лар интеллектуал мулк ҳисобланади. Ҳар қандай ишлаб чиқилган товар каби, мазкур интеллектуал мулкни ҳам сотиш, сотиб олиш ёки ундан масалан, таълим тизимида фойдаланиш мумкин.

Агар биз ўзимиз яратган дастурий маҳсулотимизни товар сифатида карасак, албатта, уни сотиш ва фойда олиш масалаларини ўйлаб кўрамиз. Бу маънода, дастурий маҳсулотнинг таннаҳини ҳисоблаб, чиққан суммага корхона фойдасини қўшиб маҳсулотимизнинг сотув нарҳини аниқлаймиз. Бу ҳолда бажарган ишимизнинг иқтисодий самараси яққол кўзга кўринади. Энди биз яратган дастурий маҳсулотни ўқув жараёнига қўллаш натижасида қандай иқтисодий самарага эришамиз деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилайлик. Бу ҳолда иқтисодий самара бирданга кўзга чалинмайди, балки у бошқа кўринишларда ифода бўлиши мумкин. Ана шу самараларни санаб ўтишга ҳаракат қилайлик:

1. Анъанавий дарс машғулоти виртуал тажриба стендлари асосида олиб борилади.;
2. Виртуал тажриба стендларини қўллаш натижасида ўқувчиларни тажриба машғулотида ўтилатган мавзунини максимал даражада ўзлаштирилишига эришилади.;
3. Виртуал тажриба стендларидан фойдаланиш ўқувчида мустақил фикрлаш қобилиятини кескин ортиради. Мустақил фикрловчи, билимли ўқувчи эса эртанги кунимизнинг етуқ мутахассисига айланиб, халқимиз ва ватанамизга хизмат қилади.

1.3. Масаланинг ўрганилганлик даражаси ва унинг қўйилиши

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2016 йил 15 январ кунги мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида “... Шунини таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жаҳон миқёсида яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 5,5 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келмоқда. Нуфузли халқаро экспертларнинг фикрига кўра, 2020 йилда бу кўрсаткич 9 фоиздан ошади” – дея келтириб ўтган фикрларини ўзи ҳам кўрсатиб турибдики, биз профессор – ўқитувчилар олдида бугунги кун талабига тўла жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашдек жуда катта масъулият юкланаётганлигидан далолат беради.

Ушбу мақсадларга эришиш учун ҳукуратимиз томонидан республикамизда ахборотлаштириш жараёнларини фаоллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тез сурътларда ривожлантириш, уларни иқтисодиёт ва жамиятнинг барча соҳаларида жорий этиш ҳамда фойдаланишнинг стратегик устуворликлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан белгиланди.

Берилган малакавий битирув ишининг мавзуси Web дастурлаш фанининг «Web саҳифаларни яратиш ва таҳрирлаш дастурлари» мавзуси бўйича электрон тренажер маҳсулот яратиш деб номланиб, унда асосий мақсад кенг ўқувчилар оммаси учун замонавий ахборот технологияларига асосланган тренажер дастурий маҳсулот яратиш талаб қилинади. Мавзу асосида битирув малакавий ишини бажариш жараёнида қуйидаги масалаларни ҳал қилиш талаб қилинади:

- Ўқув жараёниларида тренажерлардан фойдаланиш бўйича мавжуд манбалар таҳлилини амалга ошириш;
- Ўқув жараёниларида тренажерлардан фойдаланиш самарадорлиги ва ўқув жараёнини ташкил этиш ҳолати;
- Электрон тренажер маҳсулотлар яратиш дастурлари ва уларни ўрнатиш талабларини ишлаб чиқиш;
- Тренажер маҳсулотлар яратиш дастурий воситалари имконияти бўйича манбаларни шакллантириш;
- Web дастурлаш фани бўйича меъёрий ҳужжатлар ва уларни асосларини шакллантириш;
- иСпринг дастурий комплексида тренажер маҳсулот яратиш кетма кетлигини ишлаб чиқиш;
- иСпринг дастурида Web дастурлаш фанидан мультимедиа воситали тренажер маҳсулот ишлаб чиқиш;
- Web дастурлаш фанидан “Web саҳифаларни яратиш ва таҳрирлаш дастурлари” мавзусида тренажер маҳсулот ишлаб чиқиш;
- иСпринг ва СамСтудио дастурида Web дастурлаш фанидан тренажер маҳсулот яратиш технологиясини ишлаб чиқиш;
- Ўқув машғулотларида яратилган тренажер маҳсулотдан фойдаланиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш;
- Ўқув машғулотларида дастурий маҳсулотдан фойдаланиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;
- тренажер маҳсулот ишлаб чиқиш вақтида компьютерда ишлаш қоидаларини ишлаб чиқиш;
- Тажриба машғулотларини ташкил этишда компьютер хонаси ва унга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш талаб қилинади.
- Масалага доир ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги масалалари очиб бериш;
- Олинган натижаларни хулосалаш;
- Бажарилган ишларни расмийлаштириш;

Яратиладиган тренажер дастурий маҳсулот учун имкониятларни очиб бериш жараёнида фойдаланувчи имкониятлари ва ишлаш бўйича тегишли босқичларни ўзида намоён қилсин. Энг асосийси, Web дастурлаш фанининг «Web саҳифаларни яратиш ва таҳрирлаш дастурлари» мавзуси бўйича электрон тренажер маҳсулот яратишда мавзуда келтирилган мақсад ўз ифодасини топсин. Бу дастур ёрдамида Web саҳифаларни яратиш ва таҳрирлаш дастурларида ишлаш кўникмасини тўлиқ олиш имконига эга бўлиш талаб қилинади.

2-боб. Электрон тренажер махсулотлар яратиш дастурлари ва уларни ўрнатиш талаблари

2.1. Тренажер махсулотлар яратиш дастурий воситалари имконияти ва уларнинг мавзуга мос турини танлаш

Ўқитиш жараёнида мультимедиа воситаларидан фойдаланиш ўқитиш сифатини ва самарасини оширишнинг енг қулай усулларида бири хисобланади. Мультимедиа воситалари ёрдамида олиб борилган аудио-видео мулоқот ўқувчининг дарсга бўлган қизиқишини ва билим олишга бўлган ҳавасини оширади. Таълим соҳасида мультимедиа воситалари ёрдамида тингловчиларга билим бериш афзалликлари деб қуйдагиларни кўрсатиш мумкин:

- таълим жараёнида берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имкониятининг мавжудлиги;
- таълимнинг турли шаклларида бир вақтнинг ўзида фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;
- бошқа фан соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқининг пайдо бўлиши;
- дарс жараёнида билим олиш вақтининг қисқариши натижасида вақтни тежаш имкониятига эга бўлиши;
- олинган билимларни киши хотирасида узоқ муддат сақлаб қолиш ва уни амалиётда қўллаш имконияти.

Ҳозирги кунда электрон ўқув адабиётлари турли усул ва кўринишларда яратилмоқда. Бироқ у малум бир стандарт талабларга жавоб бериши лозим. Электрон ўқув материалларининг баҳоси унда берилаётган малумотларнинг нақадар мазмунли эканлигига боғлиқ. Бугунги кунда ўқув жараёнида барча мавзулар учун йетарли миқдорда электрон қўлланмалар мавжуд дейиш мушкулдир. Чунки, фан ўқитувчилари буни аслида истасалар ҳам, ўзлари мустақил равишда машғулот мавзусига мос электрон қўлланмани яратиш малакасига ега емаслар. Бунга сабаб еса ҳаммабоп, қулай дастурий таъминотлар танлаш оддий фойдаланувчи учун унчалик осон емас. *Бироқ шундай имконият ҳозир мавжуд!*

Snagit дастурий воситаси компьютерда турли хил матнларни ва тасвирларни қайта ишлашга, таҳрирлашга, айникса, таълим жараёнида қўлланадиган видеороликларни яратишда фойдаланувчи учун алоҳида




имкониятлар тақдим этади. У жуда содда ва қулай! Кўп функцияли ва осон бошқарилувчи! Тўғри, баъзида экраннинг муайян қисмини тасвирга олиш ёки ундан фойдаланиш мумкин. Бу йерда ҳеч қандай Snagit дастури керак эмас.

Бироқ, шундай "жойлар" борки, уларни шунчаки, сичқончанинг ўнг томони билан нушалаш мумкин эмас. Масалан: бирор сайтнинг ёки ишлаб турган дастурнинг кўринишини қандай қилиб тасвирга тушириш мумкин? Бу йерда Snagit дастуридан кўра беминат ёрдамчи топиш мушкулроқдир!

Snagit таҳрирлагичи куйидаги функцияларни бажариши мумкин: фотосурат ўлчовини ўзгартириш, нушалаш, қирқиб олиш, расмлар, тасвирлар, шакллар ва кўрсаткичлар қўйиш, матн қўйиш, тасвирни оқартириш, ажойиб кесимлар ҳосил қилиш, тасвирни айлантириш, стилни ўзгартириш, ажратиш, катталаштириш, қорайтириш, кераксиз жойларни яшириш, сузувчи кўрсаткичлар қўйиш, филтрлардан фойдаланиш, матнни таҳрирлаш, қисқа видеороликлар яратиш, Word ва Excel дастурларида тасвир ўзгаришларини жойлаш, E-mail ёки FTP орқали матн ва тасвирларни узатиш, Microsoft Paint, Adobe Photoshop, Microsoft Outlook дастурларига тасвирларни юбориш, тасвирларни Ссreensаст.com ва PowerПоинтга жўнатиш. Snagit дастурининг энг зўр имкониятларидан бири бу ўқув жараёнида қўлланиладиган *видеороликлар* яратиш имкониятидир. Бугунги кунгача мавжуд виеотасвир яратувчи дастурий воситалар компьютердаги жараённи виеотасвирга олишда Snagit дастури каби имкониятларга ега эмас.



2-расм



3-расм

Бунда тасвирга олиш жараёнида объектнинг исталган қисмини видеотасвирга ва расмга олиш, видеотасвирга турли хил матнли ёзувларни қўшиш имкониятлари мавжуддир. Бундан ташқари мавзуни баён қилиш жараёнидаги исталган ҳолатлар изоҳлар, ишорат ва кўрсаткичлар ёрдамида шарҳланиши яратилган электрон қўлланманинг таъсир кучини янада оширади.

Snagit дастури расмни ва видеофайлларни BMP, CUR, GIF, ICO, JPG, MIT, PDF, PNG, SNAG, SWF, TIFF, AVI каби форматларда сақлаш имкониятига ега.

Бугунги кунда ўқув жараёни учун жуда муҳим ҳисобланган видеодарсларни турли хил фанлар бўйича яратишда Snagit дастури энг мақбул воситалардан биридир. Унинг ёрдамида яратилган электрон дарсликларни янада такомиллаштириш ва мукаммаллаштириш, мақсадга мувофиқ ҳолда таълим жараёнини лойиҳалашда самарали фойдаланиш ўқитувчининг маҳорати ва ахборот маданиятига боғлиқдир. Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, барча ёъналишлардаги *фан ўқитувчилари* ўзларига тегишли фан предметларининг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб жуда сифатли видеодарслар яратадилар ва улардан фойдаланиб, *дарс машғулотини* самарали олиб борадилар, деган умиддамиз!

Flash технологияси

Flash технологияси Shockwave Flash (SWF) форматидаги вектор графикадан фойдаланишга асосланган. Албатта бу формат энг кучли форматлардан булмасада, SWF яратувчиларига графикани имкониятлари, графика билан ишловчи воситалар ва натижани Web-саҳифаларга кушиш механизмларини бирлаштириш уртасида энг қулай йечимни топишган . SWF

ни кушимча имкониятлардан яна бири бу унинг мослашувчанлигидир, яъни бу формат барча платформаларда (MacOS системали Macintosh компьютерлари ёки Windows системали IBM компьютерларида) ишлатилиши мумкин. SWF нинг яна бир кулай имконияти унинг ёрдамида яратилган тасвирлар нафақат анимасияли булиши, балки интерактив элементлар ва товуш билан бойитилиши мумкин.

Мосалашувчанлик ва интерактив мултимедия дастурлар яратиш имконияти SWF форматини Веб-дизайнерлар уртасидаги машхурлигини ошишига имкон берди. Шунинг учун бу формат яратилиши билан бир вақтда Macromedia фирмаси томонидан икки асосий тармок броузерлари, Интернет Ехплорер ва Нетскапе Соммунисаторлар учун компонентлар (Plug-In) яратилди. Бу еса, уз навбатида SWF ни Интернетда яна хам кенг таркалишига олиб келди. Натижада ушбу броузерлар яратувчилари SWF форматини уз дастурларини асосий форматлар базасига киритишди. Бу юлни бошка йирик дастурий таъминот яратувчилар (масалан, Adobe фирмаси) хам тутишди.

Яна бир бор айтиш керакки: агар Macromedia SWF форматини жуда оддий ва кулай инструментлар билан таъминламаганда бу формат шунчалик куп мухлис орттирмаган буларди. Шунини айтиш керакки, хлзирги вақтда ушбу инструментларни бир канча тулик тупламлари мавжуд.

Ушбу инструментларни бир тури (Macromedia Director ShockwaveStudio) мултимедия презентасиялар яратиш, бошкалари (Macromedia Freehand и Macromedia Фиревоукс) график тасвирлар, учинчилари еса (Macromedia Authorware и Macromedia CourseBuilder) интерактив ургатувчи курсларни яратиш имкониятини беради. Лекин Веб-яратувчилар орасида енг куп ишлатиладигани бу Macromedia Flash дир, чунки ушбу дастур хар кандай сайтга машхурлик олиб келувчи Веб-сахифалар яратиш имконини беарди. Балки шунинг учундир SWF форматини оддий килиб Flash деб аталиш одатга кириб колгандир. Шундай килиб Flash-технологиялар куйидагилардан иборат:

- векторли графика;
- анимасияни бир канча турларида ишлаш имконияти;
- интерфейсни интерактив элементларини яратиш имконияти;
- синхрон овоз кушиш имконияти;
- HTML формати ва бошка Интернетда ишлатилувчи барча форматларга экспортини таъминлаш;
- платформали мустакиллик;


- Флаш-филмларни автоном режимда ҳам ,Web-броузер ёрдамида ҳам куришни имконияти mavjud;

Визуал яратиш инструментлари mavjudлиги Flash-филм яратувчиларини куплаб мураккаб операсиялардан халос этади, шунингдек Flash-технологияларнинг техник аспектларни урганиш зарур булмайд.

Slaydlar o'zgarishi

iSpring Pro barcha slaydlar Power Point 2003 , Power Point 2007,Power Point 2010 da slaydlar o'zgarishi harakatlarini qo'llab-quvvatlaydi. Power Pointdagi barcha harakatlarni nomlari bilan keltirilgan. ([Ilovalar 4 – rasmga qarang](#))

Power Point dasturining umumiy interfeysi.




5-rasm. iSpring Pro dasturining ish qurollari

Power Point dastur muhitida iSpring dasturi paketi



Экспресс публикация –tez publikatsiyalash (jamlash). Bunda jimlik yoki joriy holatdagi sozlash asosida slaydlar yagona faylga jamlanadi



Опубликовать- publikatsiyalash(jamlash).Bunda foydalanuvchiga alohida oynada taqdimotning xususiyatlarini sozlash taklif etiladi.

Window Flashni amaliyotda qo'llash

Window Flash tayyor prizintatsiyaning barcha turdagi qismlarini Flash formatga o'tkazish uchun ishlatiladi. Foydalanuvchilar yangi saqlangan taqdimotdan foydalanadilar.

Amaliyotdagi Window prezentatsiyalarining tezkor natijalaridan foydalanish, asosan 4 ta qismda ifodalanadi.

1. **Web-** taqdimotga taqdim qilinadigan tanlangan taqdimotni local kompyuterda yoki tarmoq bo'ylab taqdim etishi mumkin. ([Ilovalar 6-rasmga qarang](#))

1) Главная – Flash taqdimotning chiqarish usullari.

Bu bo'lim quyidagi bandlardan iborat.

Название презентации- bu bandga yaratgan mahsulotimizni ishga tushirganimizda sarlavha satri nomini kiritishimiz mumkin yaratgan dasturimiz ishga tushganda huddi shu nom bilan ishga tushadi

Название презентации:

Назначение- bu bandda biz taqdimotni 3xil holatda saqlashimiz uchun kerakli bandlar ko'rsatilgan

Назначение

Мой компьютер FTP E-mail получателя

Локальная папка:

Имя файла:

Мой компьютер ,FTP,E-mail получателя bo'limlaridir ular bilan quyroqda tanishib chiqamiz.

Публиковать –bu bandda biz yaratgan taqdimotimizni barchasini yoki o'zimiz tanlagan slaydlarni taqdim etishimiz mumkin.

Публиковать

Все слайды

Выделенные слайды (1)

Режим конвертирования –bu bandda taqdimotni formatini ko'rsatishimiz mumkin.

Режим конвертирования

Презентация

Один Flash файл

Создать HTML

Создать EXE

Полноэкранный режим

Отдельные Flash файлы

Создать ZIP архив


bir vaqtda flash formatda hamda HTML yoki EXE formatlarda saqlashimiz va to'liq ekran rejimini aktivlashtirishimiz mumkin yoki Alohida Flash fayl holatda saqlashimiz va ZIP arxivini hosil qilishimiz mumkin.

Шаблон плеера – bu bandda biz taqdimotimiz dizayniga etibor berishimiz mumkin.




Ular bilan tanishib chiqamiz.


- a) **Мой компьютер** – Mening kompyuterim taqdimotini local kompyuterda yoki tarmoq bo'ylab ulangan kompyuter xotirasida saqlash mumkin (yuqoridagi rasmga qarang).
- b) **FTP** bo'limi orqali FTP adresga jo'natish mumkin.




Учетные записи FTP knopkasini bosish orqali quyidagi muloqot oyna hosil bo'ladi.



Новый bandi tanlanadi va




Имя хоста bo'limiga kerakli IP adres kiritiladi Port tanlanadi va OK tugmasi bosiladi(Misol uchun 127.0.0.1:8888) va quyidagi muloqot oyna xosil bo'ladi.



Имя файла bandiga yaratilgan prezentatsiyamizga nom yoziladi va


Режим конвертирования bo'limidan yaratgan prezentatsiyamizning o'zimizga kerakli bandlarini tanlaymiz




Flash formatli ,HTML formatli ,EXE formatli taqdimotlar yaratish shuningdek taqdimotni arxiv xolatini yaratish mumkin.

Shundan so'ng Переобразовать tugmasi tanlanad3i.

2) **Проигрывание и навигация** –taqdimotga profil saqlash,taqdimotni avtomatik ishga tushirish,qadamlarni belgilash ,uni boshqarish , yaratilishi va navigatsiyasi.




3) **Сжатие** - tanlangan rasmlar ,vidio hamda audiolarni chiqarish




Rasm, audio, vidiolarni razmerini belgilash mumkin.

4) **Расширенные** –bunda taqdimotning ekran zarmerini belgilash zagruzka holatini ko'rinishini belgilashimiz mumkin.

5) **Нимоя** – *Flash* taqdimotingizning mualliflik xuquqini himoya qilish.





2. **CD-** bo'limi bu bo'limning web bo'limidan farqi shundan iboratki

Главная bo'limi hisoblanadi. Chunki bu bo'limda faqat **Мой компьютер** bo'limi faol xolatda bo'ladi qolgan bo'limlardan foydalanish imkoniyati mavjud emas. ([Ilovalar 7- rasmga qarang](#)).

3. Taqdimotdagi **iSpring Online** imkoniyati –taqdimotingizdan online(to'g'ridan-to'g'ri) tarzda foydalanishga ruxsat etadi.

4. Taqdimotdagi **LMS** imkoniyati taqdimotni FTP server orqali murojatga ruxsat etadi.

*Publish Window*da taqdimotning quyidagi xususiyatlarini boshqarish mumkin:

Agar iSpring Pro haqida savollar tug'ilsa, unda windowning yordam tugmachasini bosish orqali ma'lumotnomaga murojat qilish mumkin.

My computer taqdimoti

Mening kompyuterim taqdimotini local kompyuterda yoki tarmoq bo'ylab ulangan kompyuter xotirasida saqlash mumkin.

Jing dasturi

Мультимедиали қўлланма яратишда фойдаланиладиган дастурлардан яна бири Jing дастуридир. Jing дастури ёрдамида нафақат аудио-визуал қўлланма, экран, бўлаётган жараёнларни ҳам тасвирга олиш имконияти мавжуд. Буларга қўшимча олинган расмларга керакли жойларда турли

хилдаги матнли белгилар, махсус йўналтирувчи стрелкаларни, тўғри тўртбурчаклар ёрдамида керакли жойларни ажратиш, аудио маълумотларини ёзиш каби функцияларни ўзида мужассам этган. Windows ҳамда MacOS OT лари учун кўринишлари мавжуд. Ёзиб олинган аудио-визуал қўлланма ва расмларни Интернет тармоғидаги Screencast.com, Flickr, Twitter ҳамда бошқа веб саҳифаларга жўнатиш мумкин.



-расм. Jing дастурининг асосий ойнаси кўриниши.

Мультимедиали қўлланмалар яратишда фойдаланадиган дастурлар тахлили 1- жадвалда келтирилган.

Юқорида мультимедиали ўқув қўлланмаларни яратишга мўлжалланган дастурларни тахлили қуйидаги хулосаларни чиқаришга имконият берди:

➤ Биз кўриб ўтган дастурларни ичида **Camtasia Studio** дастури бугунги кунда йиғма электрон каталогдан фойдаланиш жараёнини фойдаланувчиларга ўргатишга мўлжалланган дастурий воситаларни яратиш учун қулай.

➤ Биринчидан дастур интерфейси Инглиз ва рус тилларида.

➤ Jing, Wink, Webineria дастурларининг интерфейси Инглиз тилида бўлганлиги учун уларни ўзлаштириш қийин бўлади.

➤ Иккинчидан ўзида AVI, SWF, FLV, MOV, WMV, RM, GIF ва CAMV турдаги файлларни чиқаради.

➤ Учинчидан яратилган видео ёзувларни тахрирлай олади.

➤ Camtasia Studio ёзилган аудио-визуал қўлланма файлларни битта интерфейсга жойлаштириш имконияти ҳам мавжуд.

Camtasia Studio дастурида ёзиб олинган видео файлларни тахрирлаш имконияти жуда қулай, Jing, Wink, Webineria дастурларида видео файлларни тахрирлаш имконияти чекланган.

1-жадвал. Мультимедиа қўлланимлар яратишда фойдаланиладиган дастурлар

Дастурлар	Дастурий ишлаб чикувчи	Операцион тизим	Интерфейс тили	Чикувчи форматлари	Тахрирловчиси	Дастурий ўргатадиган воситалар
Camtasia Studio	Techsmith	Windows 2000, XP, Vista, 7	Инглиз ва рус	AVI, SWF, FLV, MOV, WMV, RM, GIF ва CAMV	Бор	Услубий қўлланим ва мультимедиа дарслиги бор
Jing	Techsmith	Windows, Mac OS X	Инглиз	EXE, FLV	Йўқ	Йўқ
Wink	Satish Kumar	Windows, Linux	Инглиз, француз, немис ва бошқа тиллар	EXE, FLV, HTML	Бор	Йўқ
Webineria	Tristana software	Windows	Инглиз	AVI, FLV	Йўқ	Йўқ

2.2. Web дастурлаш фани бўйича меъёрий хужжатлар ва уларни асосларини шакллантириш

Ҳар томонлама шаклланган, маънавий шахсни тарбиялаб етиштиришда, унинг илмий дунёқарашини шакллантиришда муҳим рол ўйновчи компьютер графикаси ва дизайн ва информатика ва ахборот технологиялари соҳалар учун педагог кадрлар тайёрловчи «5111000 – Касб таълими (5330200 – Информатика ва ахборот технологиялари)» таълим йўналишлари учун замонавий веб дастурлаш фанининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ҳар бир фанни ўрганиш уни мақсадларига боғлиқ. Бу фан математик билимларга таянган ҳолда компьютер графика билан ишлаш тўғрисида етарли маълумотлар олиб ўқувчи талаба ўзининг илмий дунёқарашини кенгайтиришига, оламни борида визуаллаштиришига ва бу ахборотларга ишлов бериб истеъмолчига етказиши учун восита бўлиб хизмат қилади.

Фаннинг мақсади ва вазифалари. “ Web дастурлаш ” фаннинг мақсади талабаларга замонавий HTML, CSS, Java Script, MySQL, PHP асосларида Web дастурларни ишлаб чиқиш ва лойихалаш алгоритмлар бўйича назарий ва амалий билимларни беришдан иборат.

Фаннинг вазифаси эса талабаларда HTML, CSS, Java Script, PHP ва уларнинг замонавий асосларини ўргатиш ва улар асосида Web дастурларни ишлаб чиқиш, лойихалаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар. Талабалар мазкур фанни ўзлаштириш натижасида:

- HTML, CSS, Java Script, JQuery, MySQL, PHP асосларини, алгоритмларини, самарадорликлари ҳақида тасаввурга эга бўлишлари;
- HTML, CSS, Java Script, JQuery, MySQL, PHP ларнинг замонавий асосларини ва усулларини ҳамда улар асосида Web дастурларни ишлаб чиқиш, лойихалашни билиши ва улардан фойдалана олишлари;
- масаланинг қўйилишига қараб янги Web дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш кўникмасига эга бўлишлари лозим.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жihatдан узвийлиги. “Web дастурлаш” фанини ўзлаштириш куйидаги фанлардан етарли билим ва кўникмаларни талаб қилади: “Дастурлаш технологияси», «Компьютер графикаси ва дизайннинг махсус эффектлари», «Компьютер тармоқлари», «Анимацион технологиялар», «Маълумотлар банки ва базалари». Бундан ташқари ўқувчи талабалар бирор бир дастурлаш тилида дастур яратиш тажрибасига эга деб қаралади.

Мазкур фан бўйича олинган билим ва кўникмалар “Web дизайн”, “Компьютер графикаси ва Web дизайн” фанларини ўрганишда ҳамда курс ва битирув ишларини тайёрлашда катта ёрдам беради.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни. “Web дастурлаш” фани ёрдамида янги замонавий Web дастурлашни ишлаб чиқиш, сайтлар тадбиқ этиш бўйича олган билим ва кўникмалари натижасида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун лозим бўладиган дастурий мажмуа ва таъминотларни самарали, рационал ва сифатли лойихалаш ва ишлаб чиқишда иштирок этиши мумкин.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар. Талабаларнинг “Web дастурлаш” фанини ўзлаштиришлари учун, ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан ҳамда янги педагогик, инфорацион технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув фанини талаб даражасида ўзлаштириш учун уни ўқитиш жараёнида ўқитишнинг интерфаол усулларидан; кичик гуруҳларда ишлаш, ақлий хужум, муаммоли ўқитиш ҳамда жумбоқ усуллар каби инновацион методлардан фойдаланиб талабаларнинг эркин ва мустақил ишлашини самарали ташкил этиш мақсадида уларга қўйилган ўқув вазифаларини

мустақил бажаришни ташкил этиш мақсадида ахборот технологиялари ҳамда ахборот таълим мухитидан фойдаланиш кўзда тутилади.

